

## А Ж Р И М

(жиноят ишини ярашув асосида тугатиш ҳақида)

2022 йил март ойининг 9 куни жиноят ишлари бўйича Конимех туман судининг очик сайёр суд мажлиси, Қизилтепа туман “Ўзбекистон” маҳалла фуқаролар йиғини маъмурий биносида бўлиб, раислик қилувчи М.Райимов, судья ёрдамчиси Н.Қурбоновнинг котиблигида, тарафлардан Қизилтепа туман прокурори ёрдамчиси Ҳ.Назарматов, жабрланувчи О.Сафаровнинг иштирокида, гумон қилинувчи Каримов Достон Мубин ўғлига оид 1-2104-2201/10-сонли жиноят иши кўриб чиқилди. Иш ҳужжатларига кўра:

Гумон қилинувчи: **Каримов Достон Мубин ўғли (Karimov Doston Mubin o'g'li)**, 2000 йил 2 январь куни Навоий вилояти, Қизилтепа туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, бўйдоқ, муқаддам сўдланмаган, депутат эмас, ногиронлиги йўқ, “Бахт-текстил” МЧЖда хайдовчи бўлиб ишлайди, Қизилтепа тумани, “Ўзбекистон” МФЙ, “А.Қодирий” кўчаси 18-уй, 8-хонадонда яшайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишни содир қилганликда гумон қилинувчи сифатида ишда иштирок этишга жалб қилинган.

Суд, гумон қилинувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини эшитиб, уларнинг ярашув ҳақидаги аризаларини муҳокама қилиб, тарафларнинг фикрини тинглаб, қуйидагиларни

## А Н И Қ Л А Д И:

Гумон қилинувчи Д.Каримов, Қизилтепа тумани “Бўлакработ” маҳалла фуқаролар йиғини худудида жойлашган “Кийикча” номли чойхонага 2022 йил 28 январь куни соат тахминан 15:00 ларда ўзининг танишлари Сафаров Отамурод Дилмурод ўғли, Сафаров Завқиддин Фазлиддин ўғли ва бошқалар билан бирга бориб ушбу чойхонада ўтириб, спиртли ичимлик истемол қилиб, маст ҳолатда Сафаров Отамурод Дилмурод ўғли билан ўрталарида келиб чиққан ўзаро келишмовчилик натижасида жанжаллашиб қолиб, таниши Сафаров Отамурод Дилмурод ўғлининг юз қисмига уриб, тепиб, унга бош мия чайқалиши, бош мия ёпиқ жарохати, бурун суяги ёпиқ майдаланиб синиши билан боғлиқ жарохатлар етказиб Қизилтепа тумани СТЭБнинг 02.02.2022 йилдаги 65-сонли тиббий экспертиза хулосасига кўра “Соғлиғини бузулишига олиб келган енгил тан



жарохати” етказган.

*Судда сўралган гумон қилинувчи Д.Каримов, 2022 йил 28 январь куни Қизилтепа тумани “Бўлакработ” маҳалла фуқаролар йиғини худудида жойлашган “Кийикча” номли чойхонада соат 15:00 ларда танишлари О.Сафаров ва бошқалар билан ўтириб, спиртли ичимлик истемол қилишгани, шунда маст ҳолатда О.Сафаров билан ўрталарида келиб чиққан ўзаро келишмовчилик натижасида жанжаллашиб қолишгани ва О.Сафаровнинг юз қисмига уриб, тепиб унга тан жарохати етказгани, жабрланувчининг шифохонада даволанган харажатларини тўлиқ қоплаб бергани, жабрланувчи О.Сафаровдан кечирим сўрагани ва етказилган моддий ва маънавий зарарларни тўлиқ қоплаб бергани, жабрланувчи О.Сафаровнинг унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси ва эътирози йўқлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пўшаймон бўлиб, кечирим сўрагани, улар ўзаро ихтиёрий равишда ярашишгани, унга нисбатан бўлган жиноят ишини ярашув асосида ҳаракатдан тугатишни сўради.*

*Судда сўралган жабрланувчи О.Сафаров, гумон қилинувчи Д.Каримов ва бошқа танишлари билан 2022 йил 28 январь куни Қизилтепа тумани “Бўлакработ” маҳалла фуқаролар йиғини худудида жойлашган “Кийикча” номли чойхонада соат 15:00 ларда ўтириб, спиртли ичимлик истемол қилишгани, шунда маст ҳолатда Д.Каримов билан ўрталарида келиб чиққан ўзаро келишмовчилик натижасида жанжаллашиб қолишгани ва Д.Каримов унинг юз қисмига уриб, тепиб унга тан жарохати етказгани, ҳозирда Д.Каримовга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, Д.Каримов томонидан унга етказилган моддий ва маънавий зарарлар тўлиқ қоплаб берилгани, Д.Каримов билан ўзаро ярашгани, ярашув тўғрисидаги аризани ўз хоҳиши билан ёзгани, унга бирон-бир киши тазйиқ ўтказмагани, суд томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси талаби, яъни ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган барча ҳуқуқий оқибатлари тўлиқ тушунтирилганини билдириб гумон қилинувчи Д.Каримовга нисбатан бўлган жиноят ишини ярашув асосида тугатиш сўради.*

*Суд, гумон қилинувчи Каримов Достон Мубин ўғли томонидан содир этилган ушбу жиноят Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 66<sup>1</sup>-моддасида, шунингдек ЖПК 585-моддасининг 5-қисмида кўрсатиб ўтилган, яъни ярашганлиги муносабати билан гумон қилинувчи жавобгарликдан озод қилиш назарда тутилган жиноятлар туркумига киришини, ярашувнинг ихтиёрийлигини, гумон қилинувчининг ўз айбига ихтиёрий иқрорлигини, етказилган зарарнинг тўланганлигини, жабрланувчи ёки гумон қилинувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлигини, жабрланувчи гумон қилинувчининг ярашувга розилигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ярашув*



тўғрисида ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида” ги 2002 йил 25 октябрдаги 27-сонли қарорининг раҳбарий кўрсатмаларига амал қилиб, ярашув ҳақидаги аризаларни тасдиқлашни ҳамда жабрланувчи О.Сафаровга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан, ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг, у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни ва гумон қилинувчи Каримов Достон Мубин ўғлининг суд мажлисида ҳимоячидан воз кечганлиги ҳолатлари тасвирга туширилган 1 (бир) дона СД дискни жиноят ишида сақланишини белгилашни лозим топди.

Юқоридагиларга асосланиб ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг

66<sup>1</sup>-моддаси, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми,

582-586-моддаларига мувофиқ, суд ажрим қилади

## А Ж Р И М :

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 109-моддасининг

2-қисми билан гумон қилинувчи **Каримов Достон Мубин ўғли (Karimov Doston Mubin o'g'li)**га нисбатан бўлган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми ва ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан унинг айблилик ҳақидаги масаласи ҳал қилинмасдан туриб тарафларнинг ўзаро ярашганликлари муносабати билан ҳаракатдан тугатилсин ва гумон қилинувчи Каримов Достон Мубин ўғли жиноий жавобгарликдан озод қилинсин.

Жабрланувчи О.Сафаровга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг

583-моддаси 5-қисмига асосан мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиши тушунтирилсин.

Гумон қилинувчи Каримов Достон Мубин ўғлини суд мажлисида ҳимоячидан воз кечганлиги ҳолатлари тасвирга туширилган 1 (бир) дона СД диск жиноят ишида сақлансин.

Ажримдан норози томонлар ажрим эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка муддат ичида жиноят ишлари бўйича Конимех туман суди орқали Навоий вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки прокурор хусусий протест келтиришга ҳақли.

**Раислик қилувчи:**

**М.Райимов**



## СУД МАЖЛИСИ БАЁННОМАСИ

2022 йил март ойининг 9 кунини жиноят ишлари бўйича Конимех туман судининг очиқ сайёр суд мажлиси Қизилтепа тумани, “Ўзбекистон” МФЙ биносидида бўлиб, раислик қилувчи М.Райимов, судья ёрдамчиси Н.Қурбоновнинг котиблигида, томонлардан Қизилтепа туман прокурорининг ёрдамчиси Ҳ.Назарматов, ҳимоячи Х.Ахадова, жабрланувчи О.Сафаров ва гумон қилинувчи Д.Каримовнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддасининг 2-қисми билан гумон қилинувчи Каримов Достон Мубин ўғлига нисбатан жиноят ишини кўриб чиқиш бошланди.

Раислик қилувчи суд мажлисини очиб, кўриладиган ишни эълон қилди ва котибга ахборот бериш учун сўз берди.

Котиб иш бўйича суд мажлисига прокурор ёрдамчиси Ҳ.Назарматов, адвокат Х.Ахадова, гумон қилинувчи Д.Каримов, жабрланувчи О.Сафаровлар келганлиги ҳақида ахборот берди.

Раислик қилувчи суд таркибини яъни раислик қилувчи М.Райимов, судья ёрдамчиси Н.Қурбоновнинг котиблигида, томонлардан Қизилтепа туман прокурорининг ёрдамчиси Ҳ.Назарматов, адвокат Х.Ахадова, жабрланувчи О.Сафаров эканлигини ва шу таркибга нисбатан гумон қилинувчи ҳамда рафларда раддиялар бор-йўқлигини сўради.



Прокурор ёрдамчиси Ҳ.Назарматов: судьяга ёки тарафлардан бирон-бирига раддияларим йўқ.

Адвокат Х.Ахадова: раддиям йўқ.

Жабрланувчи О.Сафаров: раддиям йўқ.

Гумон қилинувчи Д.Каримов: раддиям йўқ.

Раислик қилувчи суд мажлиси ўзбек тилида олиб борилиши ҳамда суд мажлисининг баённомаси суд мажлиси котиби томонидан компьютерда чоп этилишини эълон қилиб, тарафларда эътирозлар бор ёки йўқлигини сўради.

Тарафларда эътирозлар бўлмади.

Раислик қилувчи ўз ўрнида суд мажлиси ўзбек тилида олиб борилиши ҳамда мажлис баённомаси суд мажлиси котиби томонидан компьютерда чоп этилиши тўғрисида ажрим қилди.

Раислик этувчи гумон қилинувчи Д.Каримовнинг шахсини аниқлашга киришди.

Гумон қилинувчи: **Каримов Достон Мубин ўғли** 2000 йил 2 январь куни Навоий вилояти, Қизилтепа туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, бўйдоқ, муқаддам сўдланмаган, депутат эмас, ногиронлиги йўқ, “Бахт-текстил” МЧЖда хайдовчи бўлиб ишлайди, Қизилтепа тумани, “Ўзбекистон” МФЙ, “А.Қодирий” кўчаси 18-уй, 8-хонадонда яшайди.

Шахсига оид саволлар бўлмади.

Раислик қилувчи гумон қилинувчи Д.Каримовга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 48-моддасида назарда тутилган суд муҳокамасидаги ҳуқуқларини тушунтирди.

Раислик қилувчи гумон қилинувчи Д.Каримовдан унинг суд муҳокамасидаги ҳуқуқларининг ҳар бирини тушунган ёки тушунмаганлигини сўради.

Гумон қилинувчи Д.Каримов:

- Менга суд муҳокамасидаги ҳуқуқларим тушунарли, суд муҳокамасида мен ўз ҳуқуқларимни ўзим ҳимоя қиламан, ҳимоячи хизматига муҳтож эмасман, ҳимоячи хизматидан воз кечаман, ҳимоячи хизматидан воз кечишим менинг моддий аҳволимга боғлиқ эмас, ҳимоячи билан холи учрашиб олдим. Ҳимоячидан воз кечиш тўғрисидаги аризамни судга тақдим этаман.

(Гумон қилинувчи Д.Каримовнинг ҳимоячидан воз кечиш тўғрисидаги аризасини судга тақдим этиш ҳолати видеотасвирга олинди ва ишга илова қилинди.)



Раислик қилувчи ўз ўрнида гумон қилинувчи Д.Каримовнинг суд мажлисида адвокатнинг ҳуқуқий хизматидан воз кечиш ҳақида берган аризасини қаноатлантириш ва унга оид жиноят ишини адвокат Х.Ахадованинг иштирокисиз давом эттириш ҳақида ажрим иқлди.

Адвокат Х.Ахадова суд мажлисини тарк этди.

Раислик қилувчи жабрланувчи О.Сафаровнинг шахсини аниқлади.

Жабрланувчи: Сафаров Отамурод Дилмурод ўғли -  
1992 йил 26 февраль куни Навоий вилояти, Қизилтепа туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали 2 нафар фарзанди бор, маълумоти ўрта, Қизилтепа туман нефт базасида хайдовчи бўлиб ишлайди, муқаддам судланмаган, Қизилтепа тумани “Фурқат” МФЙ, “Нефтчи” кўчаси 11-уйда яшайди.

Шахсига оид саволлар бўлмади.

Раислик қилувчи жабрланувчи О.Сафаровга ЖПКнинг 55-моддасида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳамда ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисми талабини тушунтирди.

Жабрланувчи О.Сафаров: менга ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳамда ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисми талаби тушунарли.

Жабрланувчи О.Сафаров ва гумон қилинувчи Д.Каримов судга ярашув тўғрисидаги аризасини тақдим қилди.

Раислик қилувчи жабрланувчининг ярашув тўғрисидаги аризасини ўқиб эшиттирди ва ишга илова қилди.

Раислик қилувчи жабрланувчи О.Сафаровга сўз берди.

Жабрланувчи О.Сафаровнинг кўрсатмаси.

-Гумон қилинувчи Д.Каримов ва бошқа танишларим билан 2022 йил

28 январь куни Қизилтепа тумани “Бўлакработ” махалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган “Кийикча” номли чойхонада соат 15:00 ларда ўтириб, спиртли ичимлик истемол қилдик, шунда маст холатда Д.Каримов билан ўртамизда келиб чиққан ўзаро келишмовчилик натижасида жанжаллашиб қолдик ва Д.Каримов менинг юз қисмимга уриб, тепиб менга тан жароҳати етказган эди. Ҳозирда Д.Каримовга нисбатан ҳеч қандай даъвоим йўқ, Д.Каримов томонидан менга етказилган моддий ва маънавий зарарлар тўлиқ қоплаб берилди. Д.Каримов билан ўзаро ярашдим, ярашув тўғрисидаги аризани ўз хоҳишим билан ёзганман, менга бирон-бир киши тазйиқ ўтказгани йўқ. Суд томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси талаби, яъни ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин либ чиқадиган барча ҳуқуқий оқибатлари тушунтирилди, июят ишини ярашув асосида тугатишингизни сўрайман.



Раислик қилувчи саволига жабрланувчи О.Сафаровнинг жавоби.

-Гумон қилинувчи Д.Каримов билан ихтиёрий ярашувга эришганман.

-Гумон қилинувчи Д.Каримов менга моддий ва маънавий зарарларни тўлиқ қоплади.

-Унга нисбатан бошқа ҳеч қандай даъвоим йўқ.

Бошқа саволлар бўлмади.

Раислик қилувчи гумон қилинувчи Д.Каримовга сўз берди.

Гумон қилинувчи Д.Каримовнинг кўрсатмаси.

- 2022 йил 28 январь куни Қизилтепа тумани “Бўлакработ” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган “Кийикча” номли чойхонада соат 15:00 ларда танишим и.О.Сафаров ва бошқалар билан ўтириб, спиртли ичимлик истемол қилдик, шунда маст ҳолатда О.Сафаров билан ўртамизда келиб чиққан ўзаро келишмовчилик натижасида жанжаллашиб қолдик ва О.Сафаровнинг юз қисмига уриб, тепиб унга тан жароҳати етказган эдим. Ҳозирда айбимга тўлиқ иқрорман, қилмишимдан пушаймондаман, содир этган жиноятимнинг оқибатларини англаб етдим. Жабрланувчидан кечирим сўраб у билан ўзаро ярашдим. Жабрланувчига етказилган зарарларни тўлиқ қопладим. Ҳозирда жабрланувчи О.Сафаровнинг менга нисбатан ҳеч қандан даъвоси йўқ, шу сабабли менга оид жиноят ишини ярашув асосида тугатишингизни сўрайман.

Раислик қилувчининг саволига гумон қилинувчи Д.Каримовнинг жавоби.

-Мен айбимга тўлиқ иқрорман, қилган ишимдан чин кўнгилдан пушаймонман, мени кечиришларингизни сўрайман.

-Мен жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қопладим.

Бошқа саволлар бўлмади.

Раислик қилувчи прокурор ёрдамчиси Ҳ.Назарматовни фикрини сўради.

Прокурор ёрдамчиси Ҳ.Назарматов: Ҳурматли раислик қилувчи! Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддасининг 1-қисми билан гумон қилинувчи Д.Каримовга нисбатан бўлган жиноят иши тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддаси ва ЖПК 583-моддасига асосан иш юритувидан тугатиш тўғрисида ажрим чиқаришингизни сўрайман.

*(Прокурор ёрдамчиси Ҳ.Назарматов фикрини ёзма равишда тақдим этди.)*

Раислик қилувчи алоҳида хонага кирди ва шу куни маълум вақтдан сўнг алоҳида хонадан чиқиб, иш юзасидан чиқарилган ярашув тўғрисидаги ажримни ҳамда хусусий ажримни ўқиб эшиттирди ва шикоят қилиш, протест келтириш, суд мажлиси баённомаси билан танишиш тартиби ва муддатларини тушинтириб, суд мажлисини ёпиқ деб элон қилди.



Раислик қилувчи:  
М.Райимов

Суд  
Н.Қурбонов

мажлиси

котиби:

**Маъсул судья: Райимов Максуд Журакулович**



Ҳужжат имзоланган: Райимов Максуд Журакулович, 09.03.2022

